



# “ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!”

МАҲАЛЛАНИНГ  
ИЖТИМОЙ-  
ИҚТИСОДИЙ МУАМ-  
МОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ  
ЖАМҒАРМАСИГА  
623,6 МИЛЛИАРД СЎМ  
МАБЛАҒ ТУШДИ.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2025 йил  
9 АВГУСТ,  
ШАНБА

# Маҳалла

№64  
(2288)

WWW.UZMAHALLA.UZ

## МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!



ЖАРАЁН

## ИСТИҚБОЛЛИ СТАРТАП ЛОЙИҲАЛАР САРАЛАНДИ

Ёшлар сиёсатини жойларда чуқур таҳлил қилиш ва тизимдаги суғ нукталарни аниқлаш мақсадида Маҳаллаларда ёшлар билан ишлар масалалари бўйича Республика комиссияси ишчи гуруҳи ўз ишини Қашқадарё вилоятида давом эттирди.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси, Республика комиссияси раиси Қашқадарё вилояти ҳоқими Мурод Азимов иштирокида ҳудудда ёшлар билан бевосита фаолият олиб борадиган идора ва ташкилот масъулари билан йиғилиш ўтказилди. Унда амалга оширилаётган ишлар таҳлилий ва танқидий муҳокама қилиниб,

мавжуд камчиликларни бар-тароф этиш бўйича тегишли топшириқлар белгиланди. Қашқадарё уюшмаси раиси Қашқадарё вилояти ҳоқими Мурод Азимов иштирокида ҳудудда ёшлар билан бевосита фаолият олиб борадиган идора ва ташкилот масъулари билан йиғилиш ўтказилди. Унда амалга оширилаётган ишлар таҳлилий ва танқидий муҳокама қилиниб,

таъминлаш ва ажратилган ер майдонларидан фойдаланиш ҳолатини янада самарали ташкил қилиш кераклиги таъкидланди. Шунингдек, қашқадарёлик ёш тадбиркорлар ҳамда тадбиркорликни бошлаш истагидаги ёшлар билан очиқ мулоқотлар ўтказилди. Мулоқот давомида энг истиқболли стартап лойиҳалар сараланиб, уларни молиялаштириш бўйича режалар белгиланди.

УЮШМА КУНДАЛИГИ

## Тадбиркор бўлиш учун 40 кун кифоя бўлади

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қашқадарё вилояти Қашқадарё туманида бўлди.



Уюшма раҳбари дастлаб тумандаги “Ислохотлар штаби” фаолиятини кўздан кечирди. Айни пайтда бу ерда Ургутда амалга оширилаётган 30 га яқин янги лойиҳалар шакллантирилган бўлиб, уларнинг натижасида қарийб 3 мингта иш ўрнини ташкил этиш режалаштирилган. Ташриф мобайнида тумандаги фуқароларнинг муаммолари тингланиб, уларнинг ечимига киришилди.

тўплайди. Ўрганиш вақти давомида уларга ойлик маош берилди. Фуқаролар малака оширишдан сўнг, ҳар бирига 1 000 тадан жўжа парвариш қилиш учун берилди. 40 кунда улар даромад олишни бошлади. Бу тажриба занжир шаклида узлуксиз давом этади.

Жорий йилнинг 1 ноябига қадар “Нисбот” маҳалласининг ўзига 50 нафар аҳолига паррандачилик тажрибаси ўргатилиб, уларнинг бандлигини таъминлаш мақсад қилинган.

Қашқадарё вилояти Қашқадарё туманида йўлга қўйилган янги пилот лойиҳа билан танишди. Гап шундаки, Самарқанд вилоятининг энг йирик корхоналаридан бири — “Навобод насли парранда” фермер хўжалиги “Ислохотлар штаби” билан ҳамкорлигида яқинда Ургутда ўқув-амалиёт филиалини ташкил этди.

Қашқадарё вилояти Қашқадарё туманидаги малина етиштириш плантациясида ҳам бўлди.

Плантацияда айни пайтда ўнлаб аҳоли, хусусан, ёшлар меҳнат қилиб, даромадга эга бўлмоқда.

Жомбой туманида мана шундай тажрибаларни кўпайтириш, бу борада аҳоли ўртасида амалий семинарлар ўтказиш бўйича тавсиялар берилди. Шунингдек, келгусида ушбу ҳудудда туризм масканини ташкил этиш юзасидан лойиҳалар билан танишилди.

Бу жараёнда вилоятнинг ҳар бир туман-шаҳридан 10 нафардан ишсиз фуқаро 40 кун давомида фермер хўжалигида тажриба

### ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

“Mahalla” газетаси ва “Mahalla ko'zgusi” журнаliga 2026 йил учун ОБУНА БОШЛАНДИ!

УНУТМАНГ, КЕЛГУСИ ЙИЛДА ҲАМ СИЗНИ МАҲАЛЛАЛАР ҲАЁТИГА ОИД ТАҲЛИЛИЙ, ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРГА БОЙ МАҚОЛАЛАР, ХОЛИС ВА ТЕЗҚОР АҲБОРОТ, ҚИЗИҚАРЛИ ХАВАРЛАР КУТАДИ!  
ҲУРМАТЛИ РАИС, СИЗ СЕВИМЛИ НАШРИНГИЗГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

ШОШИЛИНГ!  
МАҲАЛЛАНИ  
“Mahalla”СИЗ  
ТАСАВВУР  
ЭТИШ  
ҚИЙИН...



МУРОЖААТ УЧУН  
ТЕЛЕФОНЛАР:  
71 233-39-89,  
71 233-10-92

БУГУНГИ  
СОНДА:

“Бирлашсак, бир мушт бўлсак, ечилмаган муаммолар қолмайди”!



Яшаб турган хонадонимиз, кўча-миз, маҳалламиздаги муаммага, аввало, ўзимиз ечим изласак, бирлашсак, натижа бўлади. Буни риштонликлар яхши англайди.

2-с.

Бир ёшга умид бўлдик — юзлаб тақдирлар ўзгарди!



Ёшлар — миллатнинг юраги, келажакнинг ишончли қафолатидир. Уларнинг ҳар бирига эътибор қаратиш фақат давлатнинг эмас, балки барчамизнинг бурчимиз.

4-с.

Ялангоёқ юрган бола иродали, қатъиятли, зуваласи пишиқ бўлади



“Тажрибамда қишлоқда, ялангоёқ, чанг кўчаларда югуриб катта бўлган болаларнинг иродали, қатъиятли, зуваласи пишиқ эканини кўп кўрганман”.

6-с.



**Президент Шавкат Мирзиёев НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА ИСЛОХОТЛАР НАТИЖАДОРЛИГИ ва янги режалар муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.**



**ҲУКУМАТ ҚАРОРИ БИЛАН туман (шаҳар)ларда драйвер лойиҳаларни амалга ошириш тартиби тасдиқланди.**



**“ҲАЙВОНЛАРНИ ИДЕНТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ, рўйхатга олиш ва кузатиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.**

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

# “Бирлашсак, бир мушт бўлсак, ечилмаган муаммолар қолмайди”

ТАЖРИБА

## “Бир ойда — бир иш ўрни” лойиҳаси иш берди

“Аёллар дафтари”нинг 6-тоифасига киритилган Раънохон Омонованинг фарзанди Диёрбек Жўраев жарроҳлик амалиётига муҳтож эди. Эҳтиёжманд оила зарур маблағ топишга қийналгани учун жараён ортага сурилаверди. Борган сари йигитчанинг аҳволи ёмонлашди. Ушбу мураккаб вазиятда маҳалла кўмакка келди. Диёрбек Жўраевнинг оёқларини Тошкент шаҳрида жарроҳлик усулида даволаш учун маблағ топиб берилди.



Муқаддасхон АҲМАДАЛИЕВА, Риштон туманидаги “Дашт тегирмон” маҳалласи раиси.

Бу — маҳалладаги эҳтиёжманд ва ишсиз хотин-қизларга кўрсатилаётган ёрдамнинг бир кўриниши. Утган йиллар давомида юзлаб аёллар зарур кўмак олиб, ҳаётини йўлга солди.

Тизимдаги ислохотлар натижасида ҳудудда бирорта муаммо ёки фуқаро мурожаати эътиборсиз қолмаяпти. Жумладан, ишсиз аёллар бандлигини таъминлаш бундан ташқари, маҳсулотларини хорижга экспорт қилмоқчи. Бундан ташқари, Хуршида Узоқова, Саиднисо Эралиева каби 16 нафар аёл имтиёзли кредит эвазига турли йўналишларда ўз тадбиркорлигини бошлади.

Яна бир ташаббус — “Бир ойда — бир иш ўрни” лойиҳасидир. Лойиҳа асосида тумандаги “Kosto line holding” корхонасига 10 нафар хотин-қиз ишга жойлашди.

Лекин бу билан тўхтаб қолмаймиш. Аслида ҳам, интиланган, изланган имкон топади. Шу боис айни кунларда ишсиз хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида тикувчилик корхонаси ташкил этилган. Учкўприк туманидан ярим тайёр трикотаж маҳсулот олиб келиб, тайёр маҳсулотга айлантириш орқали 20 та иш ўрни яратилди.

Хулоса сифатида айтишим мумкинки, ҳудуддаги муаммони ҳеч қачон четдан турмуш шароити яхшиланган. Бундан руҳланган Меҳринисо Маматисоқова

янги ташаббусга қўл ўрди. Ҳозирда кўшни тумандан қуритилган ўрик олиб келиб, қайта ишлов бериши бошлади. Бунинг учун касаначилик асосида иш қуритиб, кўшни аёлларнинг ҳам бандлигини таъминлади. Келгуси йилдан фаолиятини кенгайтириб, маҳсулотларини хорижга экспорт қилмоқчи. Бундан ташқари, Хуршида Узоқова, Саиднисо Эралиева каби 16 нафар аёл имтиёзли кредит эвазига турли йўналишларда ўз тадбиркорлигини бошлади.

Яна бир ташаббус — “Бир ойда — бир иш ўрни” лойиҳасидир. Лойиҳа асосида тумандаги “Kosto line holding” корхонасига 10 нафар хотин-қиз ишга жойлашди.

Лекин бу билан тўхтаб қолмаймиш. Аслида ҳам, интиланган, изланган имкон топади. Шу боис айни кунларда ишсиз хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида тикувчилик корхонаси ташкил этилган. Учкўприк туманидан ярим тайёр трикотаж маҳсулот олиб келиб, тайёр маҳсулотга айлантириш орқали 20 та иш ўрни яратилди.

Хулоса сифатида айтишим мумкинки, ҳудуддаги муаммони ҳеч қачон четдан турмуш шароити яхшиланган. Бундан руҳланган Меҳринисо Маматисоқова

Риштон – Буюк Ипак йўлида жойлашган қадимий масканлардан. Номи ҳам қуллолар тупроғи ҳисобланган қизил гилга алоқадор бўлиб, қадимги сўғд тилидаги “Раш” (“Руш”, “Руши”) – “қизил ер” сўзидан олинган.

Худоёр ҲОЖИХОНОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюشمаси Риштон тумани бўлими бошлиғи.

Таъкидлаш керак, вилоятга келган хорижлик сайёҳ ёки меҳмон, албатта, туманимизга ташриф буюради. Чунки бу ернинг уста хунармандлари тайёрлаётган қулоччилик маҳсулотлари ҳар қандай кишини мафтун этади. Агар Марғилон атлас ва адраслари, Қўқон ёғоч ўймакорлиги ва наққошлик мактаби билан машҳур бўлса, Риштон қадимий қулоччилик санъати билан дунёга танилган. Бу ерда тайёрланган сопол идишлар ўзига хос дизайни, экологик тозаллиги билан ажралиб туради. Риштон қулоччилик маҳсулотларининг ярмидан кўпи ташки бозорда харидордир.

Маҳаллаларда шаклланди касб-хунарларни ривожлантириб, “драйвер”га айлантириш, шу орқали аҳоли бандлиги ва даромадини ошириш мақсадида тумандаги 12 та ҳудуд қулоччиликка, 6 таси чинничиликка ихтисослаштирилди. Бундан ташқари, 7 тасида чорвачилик, 6 тасида савдо ва хизмат кўрсатиш, 12 тасида сабзавотчилик, 7 тасида боғдорчилик, 17 тасида деҳқончилик, 4 тасида иссиқхоначилик “ўсиш нуқта” сифатида ривожлантирилмоқда. Шу ёндашув асосида туризм ҳам маҳаллалар “драйвер”ига айланиб бормоқда.

Мамадали Топиволдиев номидаги маҳалла водийда биринчи бўлиб, “Туризм маҳалласи” сифатида эътироф этилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2021 йилда маҳалла марказида “Халқаро қулоччилик маркази” ташкил этилди. Бу, ўз навбатида, аънавий қулоччиликда меҳнат қилаётган хунармандларнинг экспорт имкониятини кенгайтирди. Шу йили ҳудуд учун янги давр, янги саҳифа очилди. Қайси хунарманд билан суҳбатлашсанг, аввалги пайтларни қийин эди, деб эслайди.

Бугун марказдаги 20 нафар уста қулочнинг ҳар бири ўз оила-сидан ташқари, яна 20 нафардан ёшани ёнига олиб, қадимий хунар сирларини ўргатмоқда. Маҳаллада 100 га яқин аънавий ва замонавий қулоччилик билан шуғулланадиган оилалар бўлиб, уларнинг ҳар бирида камида 4-5 нафардан ёшлар хунар ўргатмоқда. Кунига 10 минг нафар маҳаллий ва хорижий сайёҳ ташриф буюрмоқда. Географик жойлашувида ташқари, бу



“Навбахор” маҳалласида ташкилланган сайёр қабулда ичимлик сув, суюлтирилган газ ва электр таъминотини яхшилаш, бандлигини таъминлаш, таълим, йўл инфратузилмасини ривожлантириш каби муаммоларга ечим топилди.

ерда асрларга тенг тарих билан юзлашган Риштон аънавий қулоччилигининг афсоналари яшаб ўтган. Уларнинг кўпчилиги бугун ҳам хунарини давом эттирмоқда.

“Халқаро қулоччилик маркази”дан ташқари, “Хўжа Рўшноий”, “Соҳиби Ҳидоя” зиёратгоҳлари, Иккинчи жаҳон уруши Қаҳрамони Мамадали Топиволдиев номидаги тарихий музей, “Корон плюс” қулоччилик корхонаси ва музейи, 13 та оилавий меҳмон уйлари, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун клиника, савдо дўконлари, миллий таомлар ошхонаси, маданий ва тарихий зиёратгоҳлар, интернет тармоғи, гид хизмати каби инфратузилма яратилган. Сўнгги йилларда ҳудудда халқаро сайёҳлик талаблари асосида қатор бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Маҳаллада

34 ўринли хостел иш бошлади. Туман маҳаллаларидаги инфратузилма билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси ажойиб имконият бўлди. Бундан “Воҳим” ҳамда “Қошқайнар” маҳаллалари аҳолиси самарали фойдаланиб, узоқ йиллик муаммога ечим топди, ички кўчалар асфальтланди.

Ободонлаштириш ишлари натижасида “Кўрғонча” энг намунали маҳаллага айланди. Маҳалла раиси ва “еттилик” ходимлари ташаббуси билан Ўртақўрғон ва Гўлбоғ кўчалари кўркем қиёфага кирди.

Яшаб турган хонадонимиз, кўчамиз, маҳалламиздаги муаммога, аввало, ўзимиз ечим изласак, бирлашсак, натижа бўлади. Бунга яқини аниқлаш “Ёйилма” маҳалласи аҳолиси хашар ва ҳомийлик асосида ички кўчаларни шағаллаштирди.

Маҳаллалар моддий-техника базисини мустаҳкамлаш мақсадида 2024 йилда 13 та фуқаролар йиғинига компьютер ва принтер берилди. “Амиробод” ва “Чек жалаер” маҳалласига янги бино қурилди. “Қошқайрон” маҳалласида “Маҳалла сервис компанияси” ташкил этилди. Бу ерда 7 та иш ўрни яратилди.

Бир сўз билан айтганда, тизимдаги ислохотлар оддий одамлар ҳаётини ўзгартирмоқда.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

## ИЖТИМОЙ ХОДИМНИНГ КўМАГИ КАТТА БўЛДИ

Ғанижон Каримов тирикчилик ташвиши билан хорижда ишларди. Уйга қайтишига санокли кунлар қолганда қулоччилик фалокат барча орзуларини йўққа чиқарди. Бир ярим йил тўшакка миҳланиб ётди.

Аста-секин жисмоний имконияти тикланди. Аммо юрولмайдиган, қўлларини эркин ҳаракатлантира олмайдиган бўлиб қолди. Лекин чекинмади. Утирган жойида сопол идишларга безак бериш билан шуғуллана бошлади. Унга маҳалла кўмаклашди. Бу орада отасига шогирд бўлган ўғил замонавий қулоччиликнинг янги йўналишини кунт билан ўрганди.

Мирзааббос КАРИМОВ, Риштон туманидаги Алишер Навоий номидаги маҳалла раиси.

Энди фаолиятини кенгайтириш зарурати туғилди. Жумладан, дастгоҳ сотиб олишга эҳтиёж пайдо бўлди. Шу вазиятда уларга моддий ва маънавий кўмак берилди. “Маҳалла еттилиги” тавсияси билан оилага имтиёзли кредит ажратилди. Бундан ташқари, “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази томонидан ногиронлик аравачаси олиб берилди. Зерикканда кўчаларни айланади. Одамлар билан суҳбатлашди. Мухими, шукр қилиб ашайди. Оила барчасига меҳнат билан эришмоқда.



Гувоҳ бўлганингиздек, ижтимоий ходим фаолияти йўлга қўйилганлиги соҳадаги ишларни янада юқори босқичга кўтарди. Ғанижон Каримов тақдирини бу ислохотлар қанчалик самара бераётганини кўриш мумкин.

Бундан ташқари, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ортидан янги иш ўринлари яратилмоқда. Собиқ “Бадиий қулоччилик заводи” негизига Қулоччилик маҳсулотлари санонат зонаси ташкил этилган бўлиб, бу ерда 7 200 дан зиёд иш ўрни яратилган.

Тадбиркор Мухайё Сатторованинг “MM Porcelain” масъуляти чекланган жамияти шаклидаги оилавий корхонасида 100 нафардан ортиқ хотин-қиз доимий иш билан таъминланган. Шуниингдек, 300 та хонадондан 700 нафардан ортиқ маҳалла аёллари касаначилик асосида ишга жалб этилган.

Шокиржон Аҳмаднов раҳбарлик қилаётган “Мингбоши Керамик” оилавий корхонаси негизига 10 млрд сўмлик инвестиция лойиҳаси асосида йирик қулоччилик кооперацияси ташкил этилди. Корхонада 100 нафар фуқаро доимий иш ўрнига эга бўлган. 3 000 нафардан ортиқ ишсиз касаначилик йўналишида ўзини ўзи банд қилган.

ТАШАББУС

## “Еттилик” ташаббуси натижани яхшилади

Ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришда фақат маблағ ажратиш билан кифояланмай, фуқароларга тўғри маслаҳат, йўл-йўриқ кўрсатилса, “еттилик” ходимлари ташаббус билан ишласа, натижа яхшиланаверади. Бунга ҳудуддаги ўзгаришлар мисолида кўриш мумкин.

Юрсини АҲМЕДОВ, Риштон туманидаги “Чек Насриддин” маҳалласи раиси.

“Ўсиш нуқта” деҳқончилик бўлгани учун мавжуд 728 та хонадон эгаси томорқадан самарали фойдаланади. Асосан, сугурги етиштирилади. Шу билан бирга, сабзавот ва полиз маҳсулотлари парваришланади.

Холат тахлил қилинганда, томорқачиликни янада ривожлантириш мумкинлиги аён бўлди. Ҳоким ёрдамчиси Равшанбек Ҳалимов кўмағида “Бир маҳалла – бир маҳсулот”

тамоийли асосида шולי экилиб, 82 нафар фуқарога 14 сотихдан ер бўлиб берилди. Утган йили “маҳалла еттилиги” ташаббуси билан Қува тумани тажрибаси асосида гулчиликни йўлга қўйдик. Синов тариқасида 2 та хонадон гулчиликка ихтисослаштирилди.

Нурилло Мирзаев ва Умида Аҳмедова айни шу йўналишда иш бошлаб, томорқасида турли хил гул навларини парвариш-ламоқда. Ташаббус нафақат уларнинг оилавий бюджетига ижобий таъсир кўрсатди, балки атрофдаги кўшнларда ҳам қизиқиш уйғотди.

Озодбек Низомов 4 сотих




Азиза Мақсудовага паррандачилик йўналишида 17 млн сўм кредит маблағи ажратилиб, тадбиркорлиги қўллаб-қувватланди. “Хусанбой Ота Зиёси 777” хусусий корхонасига 100 миллион сўм кредит берилиши эвазига конвейр усулида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.



иссиқхонада лимон, 2 сотихида бодринг ва помидор етиштирди. Қолган қисмида дуккакли экин парваришлайди. Қўшим-часига чорвачилик билан банд. Йилига 100 миллион сўм даромад топмоқда. Мухими, ишсиз сифатида рўйхатда турган турмуш ўрғининг бандлиги таъминланди. Баҳодир Ниёзалев ҳам 4 сотихли иссиқхона ташкил этиб, йилига 60 миллион сўм фойда кўрмоқда.

“Аёллар дафтари”да рўйхатда турган Шоира Тожиёва 33 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, тикувчилик корхонасига асос солди. Ҳозирда 16 нафар маҳалладошини ишли қилди. Давронбек Аҳмедов 100 миллион сўм кредит маблағи эвазига ақлли печ ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Вилоятда ягона бўлган корхонада 10 та иш ўрни яратилди.



Хукумат қарорига асосан, таълим ташкилотларини ДАВЛАТ АККРЕДИТАЦИЯСИДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ белгиланди.



Ёз ойларида “тонировка”га рухсатномани АРЗОНЛАШТИРИЛГАН НАРХДА ОЛИШ имконияти берилиши мумкин.



Ўзбекистон июнь ойида 9 тонна олтин харид қилиб, дунёдаги ЭНГ КЎП ОЛТИН СОТИБ ОЛГАН МАМЛАКАТ бўлди.

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

ТАЖРИБА

**ЗАРУР ИНФРАТУЗИЛМА ТАДБИРКОРЛИКНИ, ТАДБИРКОРЛИК ФАРОВОНЛИКНИ ОШИРДИ**

Қайси ҳудудда “маҳалла еттилиги” ходимлари ҳамкорликда ишласа, вазифаларни тўлақонли бажарса, ўша ерда ободлик бўлади, аҳоли турмуш даражаси юксалади. Хар қандай муаммага ечим топилади. Мана шу мезон асосида иш ташкил этилгани учун маҳалла инфратузилмаси яхшиланиб, ижтимоий-иқтисодий ўсиш кузатишмоқда.

Равшаной РАҲМАТУЛЛАЕВА, Учкўрғон туманидаги “Каттачек” маҳалласи раиси.

Ишсизлик ва камбағаллик, жинойatchиликдан, оилавий ажралишлардан холи ҳудудга айланишимизда, биринчи навбатда, йўл, электр таъминотидаги муаммоларга ечим топилгани сабаб бўлди. Чунки зарур инфратузилма яратилгани учун тадбиркорлик ривожланди, ишсизлик ва камбағаллик тугатилди. Табиийки, турмуши фаровонлашган одамлар фақат яратиш иштиёқи билан яшай бошлашди.

Келинг, ўтган йилда амалга оширилган ободонлаштириш ишларига бир назар ташлайлик. “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари доирасида маҳалла идораси, 39-мактабгача таълим ташкилоти биноси мукамал таъмирланди. 10-умумтаълим мактаби учун 330 ўринли ўқув биноси қурилди. Оилавий шифокорлик пункти қошида янги лаборатория хонаси бунёд этилди. Шунингдек, 18,5 км. ички йўл асфальтланди, 1 та сув иншооти ишга туширилди, 3 километр масофада ичимлик сув тармоғи тортиди. Электр таъминотидаги муаммоларга ечим топилди.



Маҳалла аҳлининг ўзаро бирдамлиги туфайли ҳудудда “Яшил макон” лойиҳаси доирасида боғ яратилди. Мазкур боғга 5 минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчати экилди.

Қайвони онахонлар, ибратли оила бекаларидан иборат “Оқила аёллар” ҳаракати ўз фаолияти билан ёш келинлар, турмуш қуриш оstonасида турган қизларга ўрнак ва ибрат бўлиб, кези келганда, йўл-йўриқ кўрсатмоқда. Ҳаракатнинг фаол аъзолари Зулфия Садирова, Оқилахон Қурбонова хотин-қизлар фаоли билан ҳамкорликда кийиниш маданияти, эрта никоҳ, эрта туғуруқ, соғлом турмуш тарзига амал қилиш каби мавзуларда тарғибот тадбирлари, давра суҳбатлари олиб бормоқда. Шунингдек, профилактика инспектори ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, одам савдосига қарши куралиши бўйича биз билан яқиндан ишламоқда.

Маҳалланинг кекса онахонларидан Темиржон Мамажоновна ташкил этилган тадбирларда ҳамма фаол. Ҳаётини таъминлаш билан бир қатар тадбирларда ҳамма фаол. Ҳаётини таъминлаш билан бир қатар тадбирларда ҳамма фаол. Ҳаётини таъминлаш билан бир қатар тадбирларда ҳамма фаол.

ТАЖРИБА

**Бирдамлик, ташаббускорлик, изланувчанлик — “еттилик” фаолиятининг мезони**



Учкўрғон экологик жиҳатдан балиқчилик учун жуда қулай ҳудуд. Бу ердан Норин дарёси ҳамда водийдаги энг йирик 5 та канал оқиб ўтади. Имкониятдан оқилона фойдаланиш аҳоли учун ҳам, туман иқтисоди учун ҳам фойдали.

Муҳиддин МАҲҚАМОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Учкўрғон тумани бўлими бошлиғи.

Шу боис “Хитой тажрибаси” асосида хонадонларда балиқчилик ривожлантирилмоқда. “Соҳил” ҳамда “Ёғду” маҳалласидаги 10 тадан хонадонда тажриба-синов йўлга қўйилган. “Сайхун-обод тажрибаси” асосида аҳоли томоқчалари ва хонадонлардаги имкониятдан самарали фойдаланишмоқда. Жумладан, Мирзо Улуғбек номи маҳалла аҳолиси томоқчасида деҳқончилик, асаларичилик ва чорвачилик билан шуғулланади.

Шокиржон Турсунов — Нодира кўчасида истиқомат қилади. Яшаш хонадониде асаларичилик, паррандачиликни йўлга қўйган. Акбарали Умаралиев чорвачилик билан ўзини ўзи банд қилган. Қумрихон Зарифбоева яшаш хонадониде ўзи каби хотин-қизлар бандлигини таъминлаб, устоз-шогирд асосида тикувчилик билан банд.

“Халфатўпи” маҳалласида яшовчи 18 ёшли Азизбек Абдусаломов — меҳнатсевар, изланувчан ёшларимиздан. У 10 ёшидан буён асаларичилик билан шуғулланиб келади.

Туманга хос “Ўсиш нуқта” — қулупнайчилик “Оқтовлик” маҳалласининг “драйвери” сифатида танлаб олинган. Ишсиз ва камбағал оила вакилларига шу мақсадда ер ажратилиб, бандлиги таъминланмоқда.

Дилфуза Умарова ҳаракатчанлиги сабабли қисқа вақтда даромад топишни бошлади. Эътиборлиси, оиланинг барча

аъзолари шу ерда ишли бўлган. Жорий йил яна бир ташаббус йўлга қўйилди. Иссиқхона ташкил этиш орқали қулупнайчилик экспортбоп, даромадли турларини парваришлай бошлади.

“Истиқлол” маҳалласида яшовчи тадбиркор Толибжон Холматов экотуризм ва аграр соҳани уйғунлаштирган ҳолда янги йўналишда иш бошлади. Сербия ва Польша давлатларидан олиб келган ноёб резавор меваларни Ўзбекистон иқлимига мослаштириб, парвариш-ламоқда. Унинг даласида 6 000 дона 2-3 ёшли ҳамда 300 дона



5-6 ёшли кўчатлар етиштирилмоқда. Кўчатлар 3 ёшдан тўлиқ мева беришни бошлайди. Бу жараён сайёҳларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Яна бир тадбиркор Тилобат Исмоилова томоқчасида қулупнайчилик серхосил навларини етиштириб, йилига 3 марта ҳосил олмақда. Жами 18 та маҳаллада қулупнайчилик “Ўсиш нуқта” этиб танлаб олинган.

“Маҳалла еттилиги” иш бошлаши, ишбухасиз, тизимда янги даврни бошлаб берди. Тан олиб айтиш керак, қайси маҳаллада “еттилик” қулупнайчилик ишлаётган бўлса, муаммолар камайиб бормоқда. Чунки уларнинг фаолиятидаги бирдамлик, ташаббускорлик, изланувчанлик ҳудуд инфратузилмаси ривожини ва аҳоли фаровонлигини таъминлайди. Туманда шундай ташаббускор фуқаролар йиғинлари сони ортиб бормоқда. Босқинча-босқинча оғир тоифадаги маҳаллалар ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиб, инфратузилмаси яхшиланмоқда. Аҳолига муносиб турмуш шароити яратилмоқда. Хусусан, “Озод” маҳалласида “Ташаббусли бюджет” доирасида кичик футбол майдони қурилди, 22-умумтаълим мактабига 150 ўринли қўшимча бино қад кўтарди. “Намуна” маҳалласида пиёдалар ва мактаб ўқувчилари учун қулай шароит яратилиб, Нақшбанд кўчасига 3 км.лик пиёдалар йўли қурилди. “Исломобод” ва “Кўғай” маҳаллалари учун янги бино фойдаланишга топширилди.

“Кўғай”да “Маҳалла сервис компанияси” ташкил этилди. Янги тизим маҳалланинг ўзини ўзи бошқариш салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Айтиш керакки, маҳаллаларда жамоатчилик назоратининг йўлга қўйилгани натижасида ваколатимиздан ташқари бўлган муаммоларга ечим топилмоқда. Ислохотлар самарадорлиги, Давлат дастурлари ижроси тўғрисида жамоатчилик хабардор этилиб, аҳоли манфаатларини ҳимоялаш ҳамда маҳаллий давлат органлари билан ҳамкорлик таъминланмоқда. Шунингдек, ноқонуний қурилишлар бўйича жамоатчилик назорати кучайтирилди. Мисол учун, “Қайқи” маҳалласида энг кўп эътироз сабаб бўлаётган мурожаатларга айнан шу йўл билан ечим топилди. Жумладан, инфратузилма билан боғлиқ муаммо, ичимлик сув масаласи гуруҳ ташаббуси билан ҳал этилди. Шу боис “Каттачек”, “Қайқи” маҳаллалари тажрибаси вилоятда оммалаштирилди.

НАТИЖА

**Хориждагидан кўп даромад ва уйида ҳаловат топди**

Қамолитдин Йўлдошев узоқ йиллардан буён хорижда 300-400 АҚШ доллари миқдоридаги маошга ишлаб юрарди. Топгани ўздан ортмасди. Миграцияда юриб, кам даромад топаётган фуқаролар билан тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилиши натижасида Қамолитдин оиласи бағрига қайтди. Ҳозир пайвандловчи ҳунари ортидан ўзи ва яна икки нафар маҳалладаши бандлигини таъминлади.

Жасур ОЛИМОВ, Учкўрғон туманидаги “Шаҳрихончек” маҳалласи раиси.

Шу боис биргина мисол орқали юртимизда инсон қадрини, унинг манфаатлари устун экани, хар бир фуқаро давлат эътиборида бўлишини кўриш мумкин. Дарҳақиқат, мамлакатимизда фуқароларни чет элда ишлашга тартибли ва хавфсиз жўнатиш, қайтганларнинг бандлигини таъминлаш долзарб вазифага айланган. Барча ҳудудларда бўлгани каби маҳалламизда ҳам “Хорижда иш — маҳалладан” тамойили йўлга қўйилган.

Бугун бу ҳаракатлар самарасини кўряпмиз. Йил бошидаги ҳатловда 197 нафар фуқаро хорижда экани аниқланган. Улар билан индивидуал иш олиб борилиши натижасида 61 нафари оиласига бағрига қайтди. Ҳоким ёрдамчиси кўмағида барчасининг бандлиги таъминланди. Жумладан, 23 нафарига 15 сотихдан ер берилди, 11 нафари



томорқада ўзини ўзи банд қилди. Жараёнда Кенгсай чегара пости фаолиятининг тикланиши муҳим аҳамият касб этди. Чегара пости очилиши орқали маҳаллада тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланди. Янги иш ўринлари ташкил этилди.

Ўзга юртларда минг машаққат билан юрганлардан бири Фурқатжон Тожибоев бугун уста хунармандга айланди. У билан суҳбатлашганимизда оғир шароитда,

кам маош билан ишлаётгани маълум бўлди. Ҳоким ёрдамчиси уни юртимиздаги мавжуд имкониятлар билан таништирди. Тез орада Фурқатжон юртга қайтди. Касб-хунарга ўқитиш марказида темирчилик сирларини ўрганиб, бугунги кунда хонадонда темирчилик фаолияти билан шуғулланмоқда. Айтиш жоизки, ҳозирги даромади хориждаги меҳнат даврига нисбатан нафақат барқали, балки ҳаловатли ва оила бағрида кечмоқда. Муҳими, пайвандчилик ортидан хориждагидан кўп даромад топмоқда. Катта йўл бўйида савдо дўкони ташкил этиб, махсулотлари сотувини йўлга қўйди.

Таҳлилларга кўра, хорижда кетаётганларнинг аксарияти ёшлар. Шу боис уларнинг бандлигини таъминлашда замонавий касб-хуналарга ихтисослашган ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этиш лозим. Жорий йил айнан шу каби қатор тақлифлар ишлаб чиқдик. Улардан бири — ҳудудда логистика маркази ташкил этиш. Чунки туманда қишлоқ хўжалиги махсулотларини экспорт қилиш имконияти юқори.

“МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?”

**“MAHALLA”, БУ — МЕНИНГ ЁН ДАФТАРЧАМ**

Жамила БОЗОРОВА, Учкўрғон туманидаги “Фаровон” маҳалласи раиси:



— Иш самарадорлигини оширишда ўзаро тажриба алмашиш муҳим ўрин тутди. Ўз устида ишлаган, изланган инсон етук мутахассис бўлиш билан бирга, фаолиятини янгиликлар, ташаббуслар билан бойитиш керак. Бугунги таъбир билан тажриба ўрганишининг кўллаб воситалари бор. Шубҳасиз, уларнинг ичида оммавий ахборот воситалари, босма нашрлар етакчи ўрин тутди.

Мен ҳам ўз иш фаолиятимни бойитиш мақсадида доимий изланишдаман. Зеро, бугунги кун маҳалла раислари замон билан ҳамнафас яшаши

ва ишлаши лозим. Бу йўналишда менга маҳалла тизими нашри ҳисобланган “Mahalla” газетаси яқин кўмакчи, маслаҳатчи бўлмоқда. Соҳага доир янгиликлар, ташаббус ва тажрибалардан биринчи бўлиб, тезкор хабардор бўляпман.

Сайхунобод, Уйчи, Зарбдор, Учкўрғон, Асака туманлари тажрибаларини жорий этишда газетадан кўллаб маълумотлар оляпман. Шу боис “Mahalla” газетаси — менинг ён дафтарчам. Хар йили газетатага обуна бўлишни унутмайман!



Жорий йилнинг январидан июлигача Ўзбекистон расмий такси бозорида 262,2 МИЛЛИОН НАФАР ЙЎЛОВЧИ ТАШИЛДИ.



"М-39" йўлининг айрим қисмларида ХАРАКАТ ТЕЗЛИГИ ЧЕКЛОВИ 130 КМ./СОАТГАЧА оширилиши мумкин.



2025 йил бошидан буён ТОШКЕНТ АВТОБУСЛАРИДА ЧИПТАСИЗ ЮРГАН 4 090 нафар йўловчига маъмурий чоралар кўрилди.

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

# Бир ёшга умид бўлдик — юзлаб тақдирлар ўзгарди!

Бугунги кунда маҳаллаларда ёшлар билан олиб борилаётган ишлар нафақат сонига, балки сифатига қараб баҳоланмоқда. Шаҳрисабз шаҳридаги 38 та маҳаллада амалга оширилган "Ёшлар баланси" ташаббуси орқали йигит-қизлар ҳаётини, муаммоларини ва орзу-умидларини чуқурроқ ўрганишга эришдик. Бу — ҳақиқий таянч нуқта, халқ ичидаги ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи муҳим қадамдир.



Маҳаллада ишлаш учун фақат билим эмас, одамлар билан мулоқот қилиш, тинглаш, сабр ва меҳр керак экан. Буни кун сайин ўрганаёман.

**Жаҳонгир БОБОВЕВ,** Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Шаҳрисабз шаҳар бўлими бошлиғи.

Ташаббус орқали 30 ёшгача бўлган 64 минг 606 нафар ёшни аниқладик. Улардан 30 минг 560 нафари 14-30 ёшдаги фаол ёшлардир. Кизиқарлиси, шаҳримизда аёллар ва эркеклар сони мутаносиб тақсим-

ланган — бу уларга тенг имкониятлар яратишда муҳим омилдир. Ёшлар "яшил", "сарик" ва "оғир" тоифаларга ажратилди. Кувонарлиси, 77,2 фоиз ёшлар "яшил" тоифада бўлиб, улар билимли, фаол ва ташаббускорлардир. Бироқ жамиятимизда ёрдамга муҳтож, қийин аҳволдаги йигит-қизлар ҳам бор. Бундай ёшлар "оғир" тоифа сифатида қайд этилди — улар 492 нафарни ташкил этади. Биз уларни ёлғиз қўймадик: ҳар бирига 29 нафар раҳбар бириктири-

либ, муаммоларига ечим топишга киришдик. Бу ишларнинг натижасида барча — 492 нафар ёшнинг (100 фоиз) бандлиги таъминланди! Уларнинг 69 нафари доимий ишга жойлашди, 98 нафарига кредит ажратилди, 26 нафарига субсидия асосида асбоб-ускуналар берилди, 39 нафари тартибли миграция асосида чет элда ишга жўнатилди, 259 нафари ўзини ўзи банд қилди. Бу — бутун жамоамиз меҳнатининг самарасидир.

Ёшларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида "Бизнесга биринчи қадам" лойиҳаси доирасида 11 нафар ёшга 912 миллион сўмлик кредит берилди. Келажакда бу лойиҳаларни янада кенгайтириш ниятидамыз. Шунингдек, шаҳримиздаги 521 нафар ишсиз ёшлар учун аниқ режа ишлаб чиқилди. 2025 йил давомида 834 нафар ёшнинг иш билан таъминлаш, уларни замонавий касбларга ўқитиш, субсидия ва кредитлар бериш орқали бандлигини таъминлаш режалаштирилди. Олти ойлик режада 417 нафари банд қилиниши керак эди, амалда 436 нафар (104,5 фоиз) ёш иш билан таъминланди. Бу — режадан ортқ натижа! Хориждаги ёшлар билан ишлаш — диққат марказимизда. Бугунги кунда 683 нафар ёш дунё мамлакатларида меҳнат ва таълим фаолияти билан банд. Улардан 164 нафари юртимизга қайтарилиб, бандлиги таъминланди. Демак, Ватанга қайтган ҳар бир ёш ўзининг янги ҳаётини шу ерда, ўз юртида бошлаш имкониятига эга бўлди. "Ёшлар дафтари" — йигит-қизлар манфаатига хизмат қилувчи муҳим тизимдир. 2025 йилда унга 184 нафар ёш киририлиб, 160 нафарига 495,9 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди. Тўлов-шартнома, тиббий хизмат, меҳнат қуроллари, ҳайдовчилик гувоҳномаси ва бошқа зарур харажатлар тўлаб берилди. Бу — фақат молиявий ёрдам эмас, балки ишонч, эътибор ва меҳрдир. Ёшлар — миллатнинг юраги, келажакнинг ишончли қафолатидир. Уларнинг ҳар бирига эътибор қаратиш фақат давлатнинг эмас, балки барчамизнинг бурчимиз. Биз биргаликда уларни қўллаб-қувватласак, ҳар бир ёш ўз орзу-мақсадларига етади, ҳар бир хонадонда фаровонлик бўлади.

ТАШВИШЛАРИ АРИГАН ТУРМУШИДАН РОЗИДИР

Кўз юмиб-очгунча маҳаллада фаолият юритаётганимга 10 йил тўлибди! Бу йиллар мен учун фақат иш эмас, балки ҳаёт мактаби, инсонлар тақдирига дахлдорлик ҳиссини англаган тажриба йўллари бўлди. Ҳар куни фуқаролар билан юзма-юз бўлиш, уларнинг муаммоларига юракдан ёндашиш — бу мен учун оддий вазифа эмас, балки инсоний бурчга айланди.



Абдываси ҒОҒУРОВ, Шаҳрисабз шаҳридаги "Уйчилик" маҳалласи раиси.

Шунингдек, маҳаллада мен раҳбарлик қи-лаётган маҳаллада 2 242 нафар фуқаро истиқомат қилади. Улар орасида кимнингдир оғирини енгил қилиш, кимнидир ҳаётини изга солиш орқали маҳалланинг фазли, баракасини сақлаб туришга ҳаракат қиляпмиз. Одамларимиз тинч, меҳнатсевар. Улар, асосан, ишлаб чиқариш, маъшиий хизмат ва чорвачилик каби соҳаларда ўзини ўзи банд қилиб, рўзгорини юритаётганини кўриб, фахрланаман. Албатта, ишсизлар ҳам бор. Бир пайтлар улар сони 52 нафар бўлган бўлса, ҳозирда бу рақам 29 нафаргача тушди. Йил охиригача белгиланган талаб ва мезонлар асосида улар ҳам банд этилади. Ҳар бир хонадонда қандай шароит, қандай эҳтиёж бор — шунини билиш учун "хонадонбай" ишлаймиз, фуқаронинг сўзини эшитамиз, дилни тинглаймиз. Маҳалламизда ҳар 10 кунда жамоат қабуллари ўтказамиз. Агар муаммо маҳаллада ҳал бўлса, ўртада ечим топамиз, юқори ташкилотларга тегишли масала бўлса, уларга мурожаат қиламиз. Эътиборли воқеа — 3 нафар ногирони бор хонадонга иш манбаини ташкил қилиб, уларни маҳалламиздаги шахсий цехлардан бирида ишга жойлаштирдик. Яна бир фуқаро ҳеч қандай ҳужжатсиз 40 йилдан бери яшаб юрган. Бунга давлат вазифаси деб эмас, балки инсонпарварлик билан ёндашдик — ҳужжатларини тиклаб, уни тураржойга жойлаштирдик. Маҳалламиз "яшил" тоифага кирди. Жиноятчилик деярли йўқ. Бу эса тартиб-интизом, аҳоли билан мунтазам ишлаш, ишонч муҳитининг самарасидир. Бугунги тажрибамиз ёшлар билан баҳам кўришим муҳим, деб биламан. Янгидан сайланган раисларга, фаолларга, ёшларга устозлик қиламан. Нафақат фаолият, балки ҳаётдаги тўғри ёндашув, муҳтожга қанчалик самимийлик билан мурожаат қилиш кераклигини ўргатаман. Чунки маҳалла — фақат маъмурий ҳудуд эмас, балки юракларга баррикенглик, жамиятга эътибор, инсонга муҳаббат билан қараладиган катта оила.

## МЕҲНАТ ҚИЛСА, УЙДА ТИНЧЛИК, КЎНГИЛДА ИШОНЧ БЎЛАДИ

2018 йилдан буён аҳоли билан бево-сита ишлаяпман. Шу йиллар давомида бир нарсани чуқур англадим: одамлар эътибор, самимият ва ҳақиқатда фойдаси тегадиган амалий ёрдамни истайдилар.

**Дилором САТТОРОВА** Шаҳрисабз шаҳридаги "Оқсарой" маҳалласи раиси.


Хар бир хонадоннинг, ҳар бир инсоннинг орзу-умиди, ташвиши бор. Олдингига қараганда одамларимизнинг ҳаётга қарши, яшаш тарзида ижобий ўзгаришлар бор, лекин баъзи хонадонларда ҳали-ҳануз боқимандалик кайфияти сезилиб туради. Ҳар бир кўрмасиз бўлмайди. Аммо биз бундай ҳолатларга бефарқ қараб туролмаймиз. Қарга бормайлик, ҳоким ёрдамчиси, ижтимоий ходим билан биргаликда ҳар бир уйга, ҳар бир муаммога ечим билан кириб борамиз. Ногиронми, соғлигида муаммо борми, моддий жиҳатдан қийналяптими — ҳолатидан қатъи назар, ечим



топишга ёрдам бўлаемиз. Иш билан банд қилиш масаласини биринчи ўринга қўямиз. Ёшларга алоҳида эътибор қаратяпмиз. 100 миллион сўмгача кредит ажратиш, 17 миллион сўмгача нақд кредит бериш амалиёти кўплаб йигит-қизларга куч берди. Худудимизда 18 нафар ёш шу имтиёздан фойдаланиб, ўз тадбиркорлигини бошлади. Хотин-қиз-

ларга субсидия асосида тикув машиналари олиб берилди. Уйда бола парваришлаб, даромад топаётган Зебинисо Шарипова, Зулайхо Мавлоноваларнинг ишини кўриб қувонамиз. Уйда кўйлақ, кўрпа тикиб, рўзгор тебратяпти. Шу билан бирга, фуқароларга томорқадан фойдаланиш бўйича йўл-йўриқ курсатамиз. Шу ўринда айтмоқчиманки, оилалардаги тинчлик, барқарорлик бево-сита моддий аҳвол билан боғлиқ. Айниқса, хотин-қизларни хунарга ўргатиш, бу — нафақат уларнинг мустақиллигига, балки оиланинг мустаҳкамлигига хизмат қилади. Ажралиш ёқасидаги кўплаб оилаларнинг сабаби шу: моддий етишмовчилик. Шу сабаб аёлларни пишириқчилик, тикувчилик, каштачилик каби хунарга ўргатяпмиз. Хунарга ўрганган кўплаб аёллар эрига ёрдамчи бўлиб, оилани сақлаб қолган ҳолатлар кўп. Тўғри, томорқа, хунара, бу — даромаднинг бир йўли. Аммо барқарор иш ўринлари яратиш учун худудимизда завод, фабрикалар қурилиши ҳам муҳим. Чунки одамга нафақат бугунги, балки келажакда ҳам даромад келтирадиган асос керак. Меҳнат қилган, ишлаб толган одамнинг уйда ҳам тинчлик, кўнглида ҳам ишонч бўлади.

5 693 нафар аҳоли истиқо-мат қилаётган маҳаллада йил-лар давомида эл дарди билан яшаб, халқ хиз-матида юриш мен учун на-фақат вазифа, балки масъу-лият ҳамдир. Бугун ортимга қарасам, қил-ган ишлардан кўнглим тўқ.



## Юракдан ишласангиз, елкадош бўладиган одамлар кўпаяди

**Ўқтам РАВШАНОВ,** Шаҳрисабз шаҳридаги "Катта Новакат" маҳалласи раиси.

Фуқаролар билан ишлашда катта тажрибага эга бўлдим. Олдин одамлар камтарроқ эди, бир оғиз сўзни тинглаб, шукр қиларди. Ҳозир эса имтиёзлар кўпайгани сари талаб ошган, "бер-бер" деганлар кўп. Лекин имконияти-ми чегараланган. Кўп ҳолларда одамлар юқоридан кутган ёр-

дамни биздан сўрашади. Аммо шунда ҳам тўғри ёндашув билан уларни тушунишга, тушунти-ришга ҳаракат қиламиз. Очиги, юракдан ишласангиз, одамлар бунини сезади. Маҳалламизда моддий ва ижтимоий ёрдамлар узлуксиз йўлга қўйилган. Қийин аҳвол-даги оилаларга ҳар томонлама кўмак кўрсатамиз. Ёрдам керак бўлса, кўчадан эмас, ўзимиздан бошлаб, энг фаол, намунали фуқароларни ишга жалб қила-миз. Кўнглини топиб, юмшоқ сўз билан, ҳолатни тушунтириб, тўғри йўлга бошлаймиз.

Маҳалламизнинг асосий тирикчилиги — дехқончилик ва чорвачилик. Айни вақтда ли-мончилик билан шуғулланувчи оилалар рўзгорини бутлаб, ўзига тўқ яшамокда. Одамларга доим томорқадан унумли фойдала-нинг, дейман. Узимни мисол қилиб кўрсатаман. Картошка экилган ерим бор, ўзимизни ўзимиз таъминлаймиз. Одам-ларга қараб: "Бу иш сизнинг ҳам қўлингиздан келади", дейман. Афсуски, энг катта муаммо — тоза ичимлик суви. 480 та хо-надонга мўлжалланган артезиан қудуқ бор эди. Аммо у 60 йил



Ўзбекистонда ИЛК БОР ХУДУДЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИГИ NASA маълумотлари асосида баҳоланди: тўрт йилда аҳоли жон бошига ЯИМ 1,6 баравар ўсди.



Ўзбекистон ва Индонезия ҳаво қатнови бўйича ЧЕКЛОВЛАРНИ БЕКОР ҚИЛИШГА КЕЛИШИБ ОЛДИ.



Давлат ташкилотлари ЮРИДИК ХИЗМАТ ХОДИМЛАРИ РЕЙТИНГИ жорий этилади.

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

# Хар бир ҳудудда тадбиркорлик ташаббуси қўллаб-қувватланиши

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташкил этилганига кўп бўлмади. Бироқ унинг ўтган даврдаги фаолиятига назар ташласак, маҳаллалар ободлиги, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилганига гувоҳ бўламиз. Келинг, фикримизни Самарқанд вилояти Булунғур тумани маҳаллалари мисолида давом эттирайми.



Ҳасан ЭГАМБЕРДИЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Булунғур тумани бўлими бошлиғи.

“Маҳалла баланси”га кўра, айни пайтда туманда 55 та маҳалла, 47 мингдан зиёд оилада 201 минг 968 нафар аҳоли истиқомат қилляпти. Бу — “маҳалла еттилиги” вакиллари шунча оила, шунча фуқаронинг дарду ташвиши, орзу-интилишлари билан уйғуналикда ишляпти, яшаяпти деганидир.

Уюшманинг туман бўлими жорий йилнинг дастлабки ярим



майдон эмас, даромад ва фаровонлик манбаига айланган.

Маҳалла ишида аҳоли муаммоларига ечим топиш — бирламчи вазифа. Жараёнда “маҳалла еттилиги” вакиллари 55 та йиғиндаги 1 026 та кўча ва 35 минг 615 та хонадонда ўрганишлар олиб бориб, аниқланган 90 та масаланинг 74 тасини (82,2 фоиз) ҳал этишди. Айни йўналишда “оғир” тоифадаги “Лалмикор” маҳалласи муаммоларини ҳал этиш бўйича “Харакатлар режаси” амалиётга татбиқ этилди. Унга кўра, маҳалланинг 4,2 километр тупроқли йўллари га шағал тўқилди, 2 та трансформатор таъмирланди, 78 нафар ишсиз фуқаро ишга жойлаштирилди, 56 та хонадонда томорқадан самарали фойдаланиш йўлга қўйилди, 93 та хонадонда “Обод хонадон” мезони жорий этилди, маҳалла биносини қуриш ишлари бошланди.

Йиллигида “маҳалла еттилиги”, тижорат банклари ва масъул ташкилотлар ҳамкорлигида 8 022 нафар фуқаронинг бандлигини таъминлади. “Сайхунобод тажрибаси” — томорқадан унумли фойдаланишни ташкил этиш орқали 939 та камбағал оила кўшимча даромад манбаига эга бўлди. Хусусан, 58 та хонадонга иссиқхона қуриб берилди.

Бир пайтлар томорқаларда асосий экин беда билан макка бўлиб қолган бўлса, эндиликда “меҳнат қиламан”, деган одамга сархил мева-сабзавотлар етатириб, даромад олиш, экспорт қилиш имконияти мавжуд. Бугун “Мингчино” маҳалласида яшовчи Аҳмад Бердийёров, “Небўса” маҳалласидан Равшан Аҳмедов, Алишер Навоий номидаги маҳаллада яшовчи Жўрабек Ҳамзаев сингари омилкорлар учун томорқа шунчаки эгалик қилиб олинган

биноси таъмирталаб 5 та — “Боғбон”, Фозил Йўлдош номидаги, “Олмасор”, “Лалмикор”, “Мирзаариқ” маҳаллалари учун янги бино қуриш режалаштирилган. Ҳисобот даврида иккита бино қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Маҳаллаларда йил якунига қадар амалга оширилган ишлар белгилаб олинган. Хусусан, 55 та маҳаллада жами 299 километр тупроқ йўллarga шағал тўқилди, жиноятчилик кўрсаткичлари юқори бўлган иккита маҳаллада профилактик ҳисобда турган, жиноят содир этиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар билан профилактик ишлар кучайтирилди. Мурожатлар сони ошган етти та маҳаллаларда уйма-уй юриб, муаммолар аниқланади. “Рақамли маҳалла” платформаси тўлиқ жорий этилиб, йиғинлар камбағаллик, ишсизлик, жиноятчилик, оилавий ажралишдан холи ҳудудларга айлантирилади.

Умуман олганда, бугун Булунғур туманидаги ҳар бир маҳаллага бел янглишилар нафаси кириб борган. Одамлар кулай шароитда яшаши, ўз имкониятларини тўла намойён этиши, томорқадан самарали фойдаланиши учун зарур шароитлар яратилган. Тадбиркорлик қилмоқчи бўлган, иш ўрни яратишга бел боғлаган ташаббускорлар қўллаб-қувватланишти. Узи-узи ҳам ҳар бир масалани пухта ўрганиб, энг куйи тизимга тушиб ишласак, натижа бўлиши, Президентимиз олдимизга қўйган вазифаларни бажаришимиз мумкинлигини яхши ҳис қилмиш ва ишни шу тартибда ташкил этилмиш. Уйлайманки, сидқидилдан меҳнат қилсак, булунғурликлар биздан рози бўлади, аҳоли турмуш даражаси янада ошади.

КЎЗГУ

## Имконияти чекланганлик — бировдан ёрдам кутиш дегани эмас...

Кўп йиллардан буён маҳалла тизимида ишлайман. Очиғи, ҳали-ҳануз кўпчилик “маҳалла” сўзини эшитганда, “моддий ёрдам ажратувчи”, “пул тарқатувчи” деган хаёлга бориши мени бироз ранжити. Тўғри, маҳалла одамларга кўмаклашувчи, уларнинг муаммосига ечим толувчи тузилма саналади, бироқ унинг “пул тарқатиш” ваколоти мавжуд эмас...



Илҳом БЕКБОЕВ, Булунғур туманидаги “Гулзор” маҳалласи раиси.

Маҳалла ёрдамида ўз бизнесини йўлга қўйган, ишли бўлган, моддий кўмак олган, муаммоларидан халос бўлган юрдошларимиз талайгина. Ҳатто улар орасида имконияти чекланган бўлса-да, бировга қарам бўлмаб, ўз юкини ўзи тортаётган инсонлар борки, уларни ҳаммаша бошқаларга ўрناк қилиб кўрсатаман.

...Маҳалламизда яшовчи Муҳриддин Абду-саторов иккинчи гуруҳ ногирони, аммо соғлом одамлардан қолшмай, ҳунармандчилик билан шуғулланади. Бу йигит маҳалла ҳудудида устахона очиб, мустанкил пойабзал таъмирлаш ва ишлаб чиқариш билан шуғуллана бошлади. Ёш ҳунарманд, аввало, ўз эhtiёжи учун махсус пойабзал тайёрлади. Кейинчалик ўзи сингари оёғида нуқсонли бўлганлар учун мураккаб турдаги оёқ кийимлар ишлаб чиқаришни мақсад қилди. Бугун унинг кўли-кўлига тегмайди, “Orthopedic shoes sifat” масъулияти чекланган жамиятини ташкил этган.

Маҳаллада камбағал оилалар билан манзилли ишляпмиш. Йил бошида 32 та оила рўйхатга олинган. Аниқ саъй-ҳаракатлар натижада уларнинг 17 таси бу тоифадан чиқарилди. Жумладан, Олимжон Мамиров оиласи кредит асосида чорвачиликни йўлга қўйди. Турмуш ўртоғига 300 бош парранда олиб берилди. Томорқасига мевали кўчатлар ўтқазилди, уйи ҳомиёлар кўмагида таъмирланди. Худди шундай, Сафарбой Эргашев оиласига субсидия асосида бир сотих иссиқхона қуриб берилди, ўғлига мотокультиватор тақдим этилди.

Шу ўринда бир жиҳат мени қувонтиради. Авваллари бу каби амалиётда камбағал оилаларга тикув машинаси, пайвандлаш ускунаси каби жиҳозлар бериб, улар рўйхатдан чиқарилган бўлса, эндиликда камбағал оилалар аниқ манзили билан даромади ишга жойлаштирилади. Олти ойдан сўнг барқарор даромадга эга бўлган, рўйхатдан чиқарилди. Бунинг учун камбағал оила аъзолари касб-хунарга ўқитилади, ишга жойлаштирилади. Агар бу оиланинг аъзоларида ногиронлик бўлса, даволаниши таъминланади. Оддий қилиб айтганда, аввалгидек текинга бирор ускуна бериб, уни ишли қилдик, деган гап-сўзлар бўлмайди.

Маҳаллада яна бир тажрибага кўл урганмиш. Гап шундаки, “маҳалла еттилиги” ташаббуси билан уй-жойи йўқ, оғир аҳволга тушиб қолган оилаларга ҳомиёлар жалб қилиниб, икки сотихли уйлар қуриб бериляпти. Утган йили шундай тоифадаги иккита оилага уй қуриб берилган бўлса, жорий йилда яна учта оила ўзининг янги уйига кўчиб ўтади. Бу жиҳат азалдан маҳаллада шаклланган кўни-кўшничилик, эhtiётжандларга ёрдам қўлини чўзишдек эзгу кадриятларни ўзида намойён этади.

ФИКР

## АВВАЛО, ЎЗИМИЗНИ ИСЛОҲ ҚИЛСАК, ДАБДАБАЛАР ЎЗ-ЎЗИДАН ЙЎҚОЛАДИ

“Маҳалла иши — кўпчилик билан”, деганлари рост. Худуддаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жараёнларда “маҳалла еттилиги” йиғиндаги нурунийлар, зиёлилар, тадбиркорлар кўмагига доимо суянади.



Қаҳрамон ҒАФФОРОВ, Булунғур туманидаги “Каптархона” маҳалласи раиси.

Йиғинда “маънавият тарғиботчилари” шакллантирилган. Қолаверса, маҳалла таркибидagi 11 та кишлоқнинг ҳар бирида кўчабошилар фаолият юритади. Айнан уларнинг ёрдамида ҳудудда маънавий муҳит барқарорлиги таъминланаяпти. Биргина тўйлар, маросимлар масаласини олинг. Йиғиндаги тўйлар “еттилик”, нурунийлар, кўчабошилар билан бамаслаҳат ўтказилади.

Бу йўналишда бир тажрибага кўл урдик. Хозирда айрим тўйларимиз 500-1 000 киши иштирокида ташкил этиляпти, харажатларга каммида 150-200 миллион сўм сарфланаяпти. Менимча, бу — пулни беҳуда сарфлашдан бошқа нарса эмас. Шунинг учун аҳолига дабдабадан холи, 150 кишилик тўйларни ўтқазишни тарғиб қилаямиш. Тўй учун йиғилган маблағнинг қолган қисмини фарзандлар таълимига, ёшларнинг ўз

имкониятларини юзага чиқаришига сарфлаш лозимлигини уқтираймиш. Аслида ҳам, тўй мавзуси кўтарилса, ким билан гаплашманг: “Камчиқим қилиб, кичикроқ қилиб ўтказса бўлмайди?”, — деб айтади. Лекин ўзимизга навбат келганда, ҳеч кимдан қолишмаймиш. Кучимиз етмаса-да, “катта” қилиб ўтқазишга уринамиш. Нега? Чунки сабаблар кўп. Қариндош-уруғ, кўни-кўшни, ҳамкасблар, қуда-анда “Нима дейди?” деган фикр билан яшаймиш. Бундай қараш билан тўйларни ихчамлаштириб бўлмайди.

Масаланинг ечим бор — энг аввало, ҳаммамиз бугундан ўзимизни ислоҳ қилишни бошлайлик. Ўзимиз айтган гапларга ўзимиз амал қилайлик. Бошқаларни муҳокама қилишни тўхтаётлик. Ўзгаларнинг биз ҳақимизда нима дейишини ҳам бир четга сурайлик. “Одамлар нима дейди?” деб эмас, имкониятдан келиб чиқиб, қарз-ҳаволасиз тўй қилганимизда, шундай ёндашув билан яшаганимизда, илдири йўқ бефойда одатлардан аллақачон қутулган бўлардик.

ИМКОНИАТ

## ТУРИЗМ ЯНГИ ИМКОНИАТЛАРНИ ЮЗАГА ЧИҚАРИЯПТИ

Самарқанд деганда, кўпчиликнинг кўз олдига, биринчи навбатда, туризм манзиллари, тарихий ёдгорликлар келади. Бу имкониятдан унумли фойдаланиш мақсадида маҳалламизни туризмга ихтисослаштиряпмиш.

Темур САЙДАҲМАДОВ, Булунғур туманидаги “Эрганакли” маҳалласи раиси.

Маҳалла тарихига қарайдиган бўлсак, бу ерда азалдан деҳқончилик ривожланган. Айниқса, ҳудуд помидор етиштиришда катта салоҳиятга эга. Бугун бунга уйғун тарзда ҳудуд аҳолисининг турмуш даражасини ошириш, даромадини кўпайтиришга хизмат қиладиган янги йўналишлар пайдо бўлди. Хизмат кўрсатиш соҳасига эътибор ошди, ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган туризм йўналиши кириб келди.

Бу йил “Эрганакли” маҳалласига “туризм қишлоғи” мақомини бериш белгиланган. Бу жараёнда агротуризм (3 гектар майдонда узум, бодринг, олма, шафтоли каби мева-сабзавотлар етиштириш имконияти яратилган), диний туризм (Ҳўжа Хофиз Меросий зиёратгоҳи), тарихий туризм (Шероз қалъа) имкониятлари ривожлантирилади.

Бугунги кунга қадар Ҳўжа Хофиз Меросий зиёратгоҳига олиб борувчи 5,5 километр йўл тўлиқ асфальтланиб, 6,5 километр ичимлик сув

ва 5,5 километр электр тармоқлари тортилди. Шероз қалъани қайта тиклаш учун 4 гектар майдон ажратилган бўлиб, ҳозирда изланишлар олиб боришмоқда. Қалъа жуда мукаммал қурилган, бу ерда Амир Темурнинг қароргоҳи, аскарлар учун ошхона ва кўпгаб хоналар бўлган.

Қалъани ўраб турган Булунғур ариқ канали атрофида шу пайтгача одамлар чорва қилган, дарахт эккан, умуман, ёрдамчи хўжалик сифатида фойдаланган. Ваҳоланки, бу ерда дам олиш, соғломлаштириш масканлари ташкил этиш, туризм учун замонавий хизматларни йўлга қўйиш мумкин. Шу боис айни йўналишга доир лойиҳаларни ишлаб чиқдик.

Ўз навбатида туризм аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Ҳозирда 20 та меҳмон уйи, 2 та овқатланиш мажмуаси, дам олиш маскани фаолият юряпаяпти. Яқин ойлarda янги меҳмон уйлари, хостеллар, овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилиши ҳисобига яна юзлаб одамлар ишли бўлади. Шу вақтгача деҳқончиликда тобланган маҳалла аҳли энди туризм имкониятидан самарали фойдаланади.





**ЛИМОНЧИЛИККА ИХТИСОСЛАШГАН МАҲАЛЛАЛАР** инфратузилмасини яхшилашга қаратилган Ҳукумат қарори лойиҳаси эълон қилинди.



**РАҚАМЛИ КРИМИНАЛИСТИКА** соҳасидаги мутахассислар ягона реестри тузилади.



Ўзбекистонда оқова сувларни қайта ишлашда БРИТАНИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ жорий этилади.

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

# Ҳаётимизни ўзгартириш, замон талабига мос яшаш — ўзимизга боғлиқ



Янгийўл деганда, кўз ўнгимизда Тошкент яқинида жойлашган, саноати ривожланган, йирик корхоналарга эга шаҳар гавдаланади. Аслида ҳам, бу маскан Тошкент воҳасидаги кўҳна ўтмиш, юксак маданиятга эга гўшалардан бири.

**Санжарбек КАРИМОВ,** Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Янгийўл шаҳар бўлими бошлиғи.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси шаҳар бўлими бошлиғи этиб тайинланган илк кунданок, аввало, одамлар орасида юришга, уларнинг яқин киши, елкадоши бўлишга интиламан. Маҳаллаларга, хонадонларга кирдим. Худудни ривожлантириш, Президентимиз олдимишга кўйган вазифаларни янгийўлликлар билан ҳамжиҳатликда, бамаънафит амалга ошириш кераклигини, ҳаётимизни ўзгартириш, замон талабига мос яшаш ўзимизга боғлиқлигини одамлар онгига синдиришга ҳаракат қиламан.

Бу борада тизим яратиб берилган, туман ташкилотлари раҳбарларининг вазифа ва мажбуриятлари аниқ бел-

гилаб қўйилган. “Маҳаллабай”, “хонадонбай” юриб одамларнинг ҳаётини, жойлардаги муаммоларни ўргандик. Камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ҳар бир маҳалланинг мавжуд имкониятлари ва “ўсиш нуқталари”ни аниқлашга эътибор қаратдик. Шу асосида дастурлар, “йўл хариталар”и ишлаб чиқиб, ҳар бир маҳаллани қамраб олдик. “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киририлган ҳамда доимий даромадга эга бўлмаган оилалар билан ишлаш тизими яратилди.

Ҳозирда мавжуд 21 та маҳаллада “еттилик”нинг 114 нафар аъзоси фаолият юритмоқда. Май ойида барча йиғинларда маҳалла раислари сайлови ўтказилиб, уларда 71 нафар номзод иштирок этди. Эътиборлиси, барча маҳаллаларда олий маълумотли раислар сайланди, уларнинг 5 нафари аёллардир.



Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги ҳолатига кўра, маҳаллаларда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 232 та кўчада оммавий ҳашарлар уюштирилди, 42 та эҳтиёжманд

оиланинг хонадони таъмирлаб берилди. Ҳар бир маҳаллада оилалар мустақамлигини таъминлаш бўйича нурунийлар, зиёлилар, “Оқила аёллар” ҳаракати аъзолари иштирокида учрашувлар, суҳбатлар уюштирилди. Жараёнда ажралиш ёқасидаги 52 та оила аниқланиб, шундан 50 таси фаоллар иштирокида яраштирилди.

Маҳаллага бугун кенг ваколатлар берилган, шунга кўра, унинг молиявий мустақиллиги ҳам таъминланаяпти. Бу ҳақда сўз кетганда, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни жойида ҳал этиш учун “Маҳалла бюджети” тизими жорий этилди. Шаҳардаги маҳаллаларнинг бюджети фақат мол-мулк ва ер солиғи бўйича ундирилган маблағнинг 10 фоизи ҳисобланганда, 1 миллиард 5 миллион сўмни ташкил этмоқда. Хозирги кунгача бюджетга 431 миллион 250 сўм келиб тушди.

Мазкур маблағлар ҳисобидан 17 та маҳалла (“Нова”, “Янгиҳаёт”, “Файзли”, “Лаззат”, “Рамадон”, “Сабо”, “Ишчилар шаҳарчаси”, “Боғбон”, “Файзобод”, “Мезон”, “Бахт”, “Янгибоб”, “Баҳор”, “Олмос”, “Туркистон”, “Мустақиллик”, “Мевазор”) биноларига 203 миллион 570 сўмлик қуёш панеллари ўрнатилди. Маҳаллаларга совитиш тизими, мебель ва компьютер жамланмалари, қурилиш материаллари олиб берилди. Йиғин биноларининг кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш, кузатув камералари ўрнатиш харажатлари қопланди.

Айни пайтда шаҳардаги 7 та маҳалла — “Янгиҳаёт”, “Фаровон”, “Рамадон”, “Мустақиллик”, “Туркистон”, “Файзобод”, “Янгибод” ўз хизмат биноларига эга эмас. “Мустақиллик”, “Туркистон” маҳаллаларига давлат-хусусий шериклик асосида янги бинолар қурилиши бошланган. Қолган йиғинларга енгил конструкцияли материаллар асосида бино қуриб берилади.

Сирасини айтганда, салкам 82 минг аҳоли истиқомат қилаётган Янгийўл шаҳри янгилаш ва яшаришнинг ойдin йўлидан дадил одимламоқда. Бугун шаҳар тамойила ўзгарди, бунёдкорлик ишлари сабаб маҳаллалар тобора гўзал киёфа касб этиб бормоқда, аҳолининг турмуш фаровонлиги, дунёқарashi юксалаяпти. Бу, аввало, нуртимишдаги кенг кўламли ва халқчил ислохотлар натижасидир.

**МАНЗАРА**

## ҲАР БИР КЎЧАНИНГ ЎЗИГА ХОС “ДРАЙВЕР”И БОР

Маҳалламиз аҳолиси деҳқончилик ва боғдорчиликда анча илғор. Маҳаллий миришкорлар худуднинг иқлим шароитини инобатга олган ҳолда, турли экинлар экиб, йилга икки-уч марта ҳосил олишмоқда.



Музаффар ҲАМРОҚУЛОВ, Янгийўл шаҳридаги “Янгиҳаёт” маҳалласи раиси.

Йиғинда 2,5 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Эътиборлиси, ҳар бир кўчанинг ўзига хос “драйвер”и бор. Мисол учун, **Соҳибкор кўчаси**да яшовчи аҳоли, асосан, иссиқхоналарда помидор ва булғор қалампир етиштириб, маҳсулотни экспорт ҳам қилишмоқда. Шунингдек, ёпиқ ҳолда узум парваришнинг ҳадисини олишган. Аҳамиятли жиҳати, кўп хонадонларда ёмғир сувлари йиғилиб, буғлатиш орқали суғурилади. **Тараққиёт кўчаси**даги хонадонларда иссиқхона шароитида мавсумий гуллар ва кулупнай етиштирилади. **Ўзбекистон кўчаси**дагилар чорвачилик билан шуғулланишади. Томорқаси борлар турли сабзавотлар ҳам етиштиришади.

Очиғи, ердан самарали фойдаланишни билмайдиганларни кўриб, эшитиб, ачинаб кетаман. Ховлисида томорқаси бор, фақат дангаса, меҳнат қилишга эринишади. Бундайларни кўрсам, дилим хуфтон бўлади. Аиниқса, қиллоқ жойда бундай ҳолга йўл қўйиб бўлмайди. Ахир, ҳаёт йилдан-йилга ривожланиб, эҳтиёжларимиз ортмоқда. Шундай экан, хазинанинг устидан тегиб ўтиш эмас, балки уни очиб, гуллаб-яшатиш керак. Бу — замон талаби. Шуқри, бизнинг маҳаллада бундай хонадонлар йўқ. Бу борада тарғибот-тушунтириш ишларини яхши йўлга қўйганмиз.

Нигора Пирматовна — маҳалланинг тиниб-тинчимас аёлларидан. Хонадонда турли манзарали гуллар, сабзавот кўчатлари етиштиради. Мундоқ қарасангиз, иссиқхонаси замонавий ҳам эмас, оддий, қўлбола усулда кўтарилган. Лекин у ерда қилинаётган меҳнатга қойил қолмай илож йўқ. Иссиқхона атрофидаги бўш ерга сепаб қўйилган уруғлар буй кўрсатиб турибди. Меҳр берсангиз, ҳамма ишда унум бўлишини Нигора опа аллақачон исботлаб берган.

Йиғиндаги Абдуқаҳҳор Абдурахмонов хонадонига кирар экансиз, чорғоққона иссиқхонада қип-қизил товланаётган кулупнайларга кўзингиз тушади. Уч йилдан бери кулупнай экаётган Абдуқаҳҳор ака бундан айфусда эмас. Озгина қийинчилигини айтса, даромадидан кўнгли тўқ. Ховлидаги яшилликдан баҳри дилингиз очилади.

Асосийси, маҳаллада ҳеч бир аҳоли вакили бўш ўтиргани йўқ, яхши яшаш учун ҳаракат қилапти. Бу борада биз, “еттилик” вакиллари уларга камарбасти-миз. Ҳар қандай масалада қўллаб-қувватлаймиз, керакли ёрдамларни кўрсатамиз. Зотан, маҳалланинг ишсизлик, камбағаллик, жиноятчиликдан холи худудга айлинишида айнан шу каби омилкорларнинг ҳиссаси бекиёс.

МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?

## “МАНАЛЛА”НИ КЎЛДАН ҚЎЙМАЙМАН”



**Шукур РУСТАМОВ,** Янгийўл шаҳридаги “Фаровон” маҳалласи раиси:

— Маҳалла тизимида иш бошлаганимдан буён “Mahalla” газетасини кўлдан қўймайман. Биламанки, унда доим барча саволларимга жавоб бўлади. Аслида ҳам, бир маҳалла ахлига бош бўлган раҳбар ўз устида қанча кўп ишласа, шунча кам. Аиниқса, бугунгидек шиддатли даврда ҳар соҳани бирдек олиб бормаса бўлмайди. Тўғри, орамизда “мана, тайёр интернет бор-ку”, деб матбуотни четга сурадиғанлар ҳам топилади. Бироқ кўчада ким нима деса, ишониб кетавермайсиз-ку. Шаҳсан ўзим бирор янгилик эшитадиган бўлсам, дарров газетани варақлайман. Фақат унда берилган маълумотларгагина тўлиқ ишонаман. Шу вақтгача бундан панд емадим. “Mahalla” иш столим устида турса, кўнглим хотиржам. Шу каби кўп жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, наирга келгуси йил учун ҳам обуна бўлдим.

ТАЖРИБА

## “Бахт” бахтли аёллар масканига айланади

Бахт тушунчасини ҳар ким ҳар хил тасаввур қилади. Кимдир уни тинчлик-хотиржамлик ёки тўқин-сочин яшашда, бошқа биров оила, дўстлар, яхши даромадли ишда, деб билади. Умуман, бахт ҳақида гап борганда, ҳар ким уни ўз дунёқарashi, тафакқури, қаричи билан ўлчайди.

Умида ТУРҒУНОВА, Янгийўл шаҳридаги “Бахт” маҳалласи раиси.

Ўзбекистон тамойилда бахт тушунчаси, албатта, оила билан боғланади. Халқимизнинг қарашларида оиласиз киши минг бадавлат, мансабдор ёки ижтимоий мавқеи бошқалардан бандроқ бўлмасин, барибир у тўқин бахтиёрлар сафига киролмайди. Аслида ҳам, инсон учун оила — чинакам бахт ва ҳузур-халоват гўшаси ҳисобланади.



Маҳалладаги кўп йиллик фаолиятим давомида ҳар хил тақдирларга дуч келдим: оила бахтидан масрур яшаётган, фаровонликка биргаликда интилаётганларни ҳам, биргина хатолик ёки арзимас келишмовчилик боис бахтини бой бериб қўйганларни ҳам кўрдим. Ҳар биридан ўзига хос хулосалар чиқардим. Шунинг учун маҳалладаги қизларни, ёш аёлларни ёнимга чақириб, уларга маслаҳат беришдан толмаман. Бахт тўхфа қилинмаслиги, уни қўл билан ушлаб, кўз билан кўриб бўлмамлигини уқтираман. Унинг ранги, ифори йўқ. Бахт — амаллар, ҳолатлар мажмуици, фақат ҳис этилади. Юракдан. Ақл кўзи билан. Шуқр билан.

Маҳалламизда бахтиёр аёллар бисёр. Улардан бири “еттилик” кўмагида ўз бизнесини йўлга қўйган, бугун у 12 нафар маҳалладошини ишли қилди. Яна бири хотин-қизлар фаолиятисига асосида тикувчилик фаолияти учун имтиёзли кредит олди. Қисқа

фурсатда фаолият бошлаб, бугун бежирим либослар тикияпти. Моҳир томорқачи аёллар ер билан тиллашган, диллашган, десак адашмаймиз.

Бу аёллар озгина эътибор, рағбат, кўмақдан куч олиб, ўз бахтини яратишди. Уларни интилиши, янги марралар сари ҳаракатдан тўхтамади. Натижа қутилганидек: усти бут, оиласи фаровон, яшаш учун илҳоми бор. Уларни доимо бошқаларга намуна қилиб кўрсатаман, зотан, изланган, ўз ҳаётини ўзгартиришга интилган киши борки, бунга эришяпти.

...Ҳар не бўлганда ҳам, очлик бахтидан тўқлик, камбағаллик бахтидан бойлик, жоҳиллик бахтидан олимлик, танҳолик бахтидан жуфтлик, беморлик бахтидан соғлиқ афзал. Мана шу афзалроқ бахтларга интилиш ҳам бурч. Зеро, шундагина жамиятга, халқига манфаат келтириш мумкин. “Бахт”даги аёллар буни жуда яхши билишади.



Ҳарбий хизматдан қайтиб, олийгоҳларда ўқиётган 951 нафар талабага ТЎЛОВ-ШАРТНОМА ТЎЛОВЛАРИНИНГ 35 ФОИЗИ тўлаб берилди.



Январь-июнь ойларида ТУРИСТИК МАҚСАДЛАРДА ХОРИЖГА САФАР ҚИЛГАН ўзбекистонликлар сони 3,5 миллион нафарга етган.



ДЕМОГРАФИК БАРКАРОРЛИК ТАҲЛИЛИ: Ўзбекистон аҳолиси 2030 йилда 41 миллионга, 2050 йилда 51 миллионга етиши прогноз қилинмоқда.

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

# Аҳолига берилаётган эътибор ва кўмак бесамар кетмаяпти



ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Ҳужжат ишларидан ортиб, маҳаллаларни айланишни яхши кўраман. Кўпроқ одамлар билан мулоқот қилсам, яшаш тарзи билан яқиндан танишсам, кўнглим жойига тушади. Ҳар бир ҳудуднинг мисол қилиб кўрсатишга арзигулик жиҳатлари бисёр. Қайсидир маҳалла раиси томорқадан унумли фойдаланиш бўйича яхши натижаларга эришиб келаётган бўлса, яна бошқаси тадбиркорларни қўллаб-қувватлашда намуна кўрсатаяпти.

Сардорбек ЎРИНБОВ,  
Ўзбекистон маҳаллалари уюмчаси Жалақудуқ туман бўлими бошлиғи.

Туманимиз 60 та маҳалладан иборат бўлиб, айни вақтда 198,8 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Одамлар қишлоқ ҳўжалиги махсулотлари етиштириш, боғдорчилик, шолиторлик ортидан рўзгорига барака киритиб келяпти. Хусусан, “Янги чек” маҳалласи, асосан, дехқончилик қилишга ихтисослашган. Ишнинг усталари йилига икки қайта экин экиб, яхшигина даромад оляпти. Ҳудудда йил бошида 67 нафар ишсизлар рўйхатга олинган бўлса, шундан 31 нафарига тадбиркорлигини йўлга қўйиш учун имтиёзли кредит ажратилди. 13 нафари тикувчилик корхоналарида фаолият бошлади. 4 нафар олий маълу-

мотли фуқаро таълим соҳасига йўналтирилди. Урганишлар натижасида мазкур маҳалланинг 15 та хонадонни “Камбағал оилалар реестри”га киритилган эди. Уларни бу қийин вазиятдан олиб чиқиш мақсадида раҳбар ходим ва нурунийларга бириктирдик. Ҳамма бир ёқадан бош чиқариб ишлади. Эрта баҳор барчасига бепул тарзда мевали дарахт кўчатлари тарқатилди. Шунингдек, томорқасида помидор ва булғор қалампирни экишига ёрдам берилди. 2 нафари берилган имтиёзли кредит сабаб бугун тадбиркорга айланди. Қолганлар ҳам турли йўналишларда меҳнат қилишни бошлади. Энг муҳими, озгина кўмак ва туртки билан камбағалликка барҳам берилди. Агар кўрсаткичларни туман даражасида таҳлил қиладиган бўлсак, йил бошидан буён 380 та оиланинг фаровон турмуш кечиришини таъминлаш орқали камбағаллик даражасини

12 фоиздан 6 фоизга қисқартиришга эришдик. Бундан ташқари, 120 нафар эҳтиёжманд оиллага, 145 нафар ногиронлиги бўлган шахсга ижтимоий хизматлар кўрсатилди. “Сайхунобод тажрибаси”дан келиб чиқиб, 3 432 та хонадон вакилларининг иссиқхона, паррандачилик, чорвачилик, асал экспорти ва бошқа йўналишларда фаолият бошлашига кўмак берилди. Кишини қувонтирадиган жиҳат шундаки, халқимиз, ҳақиқатан, жуда ҳаракатчан. Ажратилаётган субсидия ва имтиёзли кредитлардан мақсадли ва унумли фойдаланишни билади. Қаратилётган эътибор ва улар учун ажратилган вақтимиз бесамар кетмаяпти. Оз фурсат ўтмай, натижалар кўзни қувонтираяпти. “Тошлок” маҳалласида истиқомат қиладиган Эргаш Расулловнинг шолиторлик бўйича 30 йиллик тажрибаси бор. Икки гектарга яқин майдондан оладиган ҳосилининг сифати аъло даражада. Томорқасида эса узум етиштиришни йўлга қўйган. Боғбон ёзда пишиб етилган ҳосилни бандидан узмаган ҳолда келгуси йил баҳоргача асрашнинг урдасидан чиқади. Ер тоқнинг устини турли воситалар билан ўраб, совуқ кунларда ҳам сақлайди. Гарчи Эргаш ота нафқа ёшида бўлишига қарамай, тинимсиз изланишда. Кимдан қандай янгилик эшитиб қолса, албатта, амалга татбиқ қилиб кўради.

Аслида, бугун қандай ютуқ ва тажрибалар билан мақтанмайлик, барчаси халқимизники. Уларнинг тер тўкиб қилаётган меҳнати ортидан дастурхонларимиз тўкин-сочин, юртимиз фаровон. Бу йўлда биз бир воситамиз, холос.

## ИШКОМЛАР НАФАҚАТ УЙЛАРНИ, БАЛКИ ҚАЛЪЛАРНИ ҲАМ БИРЛАШТИРДИ

Ҳамжиҳатлик ва аҳилликда ҳикмат кўп. Қаерда одамлар бир-бирини қўллаб-қувватласа, бамаслаҳат иш қилишса, ўша ерда қут-барақа ҳукмрон бўлади.

Нафиса МАМАДАЛИЕВА,  
Жалақудуқ туманидаги “Беш тол” маҳалласи раиси.



Маҳалла тизимидаги 25 йиллик фаолиятим давомида асосий эътиборимни шу жиҳатга қаратиб келяпман. Кимнинг қандай юмуши бўлса, албатта, кўни-кўшиларини жалб қиламиз. Ҳашар эълон қилиб, қийиндек кўринган қурилишларни ҳам тезда ниҳоясига етказамиз. Ердан бериш асносида суҳбатлар қизгандан қизийди. Унут бўлиб бораётган кадрлар қайта тикланади. Эсласангиз, болагимизда кўшилар орасида девор бўлмасди. Бир-биримизниги кириб-чиқиб катта бўлганмиз. Йўқовларни-ку, айтмаса ҳам бўлаверди. Тансиқ таомларни хиди етиб борган хонадон-

га қадар тарқатардик. Ўзаро меҳр-оқибат, қадр-қиммат кучли бўлган ўша даврларда келишмовчилик ҳақида гап ҳам йўқ эди. Бугун маҳаллага бош қилиб сайланган раиснинг зиммасидаги энг катта масъулият ҳам, аслида, кўнглиларни обод қилиш. Аҳоли вакилларининг муносабатларини мустаҳкамлаш. Шу маънода худудимизда янги лойиҳага қўл урдик. Аниқроқ айтиладиган бўлсам, худудимиздаги тўртта кўчада ишқом қуриш ишлари бошлаб юборилди. Айни вақтга қадар 150 метр жойга янги ток кўчатларини ўтказиб, чиройли тарзда тараб қўйдик. Бу ташаббус орқали, биринчи навбатда,

фуқароларнинг бўш турган ердан унумли фойдаланишига шароит яратиб бермоқчимиз. Қолаверса, кўшиларнинг уйини бирлаштираётган ишқомлар қалб ришталарини ҳам мустаҳкамлашга хизмат қилапти. Токка ишлов бериш давомида одамлар бир-бири билан суҳбатда бўлади. Умумий мулк бўлгани боис барча юмушлар бамаслаҳат амалга оширилади. Шу баҳона аҳолининг боғдорчилик борасидаги билимлари ҳам ошадиган бўлди. Аввал “менинг уйим” дейдиганлар энди “менинг кўчам”, деб маҳалла ободлиги учун қайғурадиган бўлиб қолишган. Тажриба сифатида амалга оширилган янги лойиҳа хар жиҳатдан ўзини оқлади. Шу боис қолган кўчаларда ҳам жадаллик билан қурилиш ишлари олиб боришмоқда. Маҳалламизнинг “драйвери” узумчилик бўлгани боис жорий йилдан бошлаб тадбиркорларимиз каттарок ҳажмдаги музлатгичлар қуришни режалаштирган. Бу махсулотни талаб юқори бўлган вақтда нисбатан қимматроқ сотиш имконини беради.

## Қишин-ёзин бекорчи одамни учратмайсиз

Халқимиз жуда меҳнатсевар. Ерга ўзгача меҳр билан ишлов беришни яхши кўради. Қишин-ёзин бирор бекор одамни учратмайсиз. Қўлидан иш келадигани борки, тонг саҳардан кетмон кўтариб, экинларни тагини юмшатади, ўғит солиб, суғоради.



Зоҳиджон ЙЎЛДОШЕВ,  
Жалақудуқ туманидаги “Бузрукхонтўра” маҳалласи раиси.

Маҳалламизнинг асосий “ривожланиш нуқтаси” шолиторлик ва кўчатчилик. 4 250 нафар аҳолининг 50 фоизи турли хилдаги мевали дарахт кўчатларини етиштириш билан шуғулланади. Томорқа ва ижарага олинган ерларда олма, ўрик, шафтоли ва узумнинг янгидан-янги навлари яратилмоқда. Боғбонлар хонадонидан харидорлар қадами аримади. Маҳмуджон Исмоилов — ўн йилдан бери ер билан тиллашиб келаётган миришкорларимиздан. Томорқасидаги 6 сотих майдонда кўчатчилик билан шуғулланса, ижарага олинган бир гектардан кўпроқ ерда шолитортилади. Йилдан-йилга ишига янги тажриба ва амалиётларни татбиқ этиб, даромади ошиб борапти. Маҳалладошимиз Жавлонбек Умрзоқов балиқчилик йўналишида мақтанса арзигулик натижаларга эришиб келяпти. 2 гектар 70 сотих жойга қурилган 48 та ҳовузда фарель

балиқларини парваришлаш бўйича янги тажриба мактабини яратди. Тадбиркоримиз тинимсиз изланишда, фаолиятини янада кенгайтириш учун янги лойиҳалар устида ишлаяпти. Тез орада ҳовузлар атрофини кўкаламзорлаштириб, табиат қўйнида сўлим дам олиш масканини бунёд қилмоқчи. Бунда ҳаваскорлар қайиқда сайр қилиши, балиқ овлаши мумкин. Замонавий овқатланиш шохобчасида эса балиқдан тайёрланган тансиқ таомлар бўлади. Кўриб турганингиздек, ўз устида ишлаган, ҳаракат қилган киши борки, яхши натижага эришяпти. Қувонarli жиҳати, битта тадбиркор ортида қанчадан-қанча бандлиги таъминланаётган фуқаролар, дастурхони тўкин бўлаётган аҳоли вакиллари бор. Шу боис биз “етилик” вакиллари одамларни қўллаб-қувватлашдан, янгидан-янги ғояларини амалга ошириши учун шароит яратиб беришдан сира чарчамаймиз. Аслида, маҳалла — бир оила демак. Агар ўртада меҳр-мурувват, ўзаро ҳурмат устунлик қилса, хонадонларда қут-барақа, тинчлик-хотиржамлик ҳукм сураверади.

## “МАНАЛЛА” — РАИСЛАРНИНГ ЎНГ ҚЎЛИ



Муқаддасхон МИРЗАЕВА,  
Жалақудуқ туманидаги “Янги кўрпа” маҳалласи раиси:

— Халқ ҳурмати қозонаман, ишимда яхши натижага эришаман, деган раҳбар мунизатм равишида ўз устида ишлаши керак. Соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган янги қонун ҳужжатлари ҳамда сиёсий жараёнлардан бохабарлик аҳоли муаммоларига ечим топишни янада осонлаштиради. Шу маънода, мен маҳалла раиси сифатида доимий равишда маҳалла тизими наشري ҳисобланган “Mahalla” газетасини мутлола қилиб бораман. Саҳифаларда берилаётган ҳудудлар тажрибаси,

ҳамкасбларимнинг фикр-мулоҳазалари фаолиятимда жуда асқатади. Айниқса, оилавий можароларни бартараф этиш, тадбиркорликни ривожлантириш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларни қўллаб-қувватлаш борасида ўзим учун тенгсиз қийматга эга билимларни эгаллаб келяпман. Идорамизга таширф буюраётган фуқароларнинг саволларига жавоб бериш жараёнида газетадан жонли мисоллар келтираман. Керакли ўринларини ўзим учун алоҳида сақлаб қўяман. Бир сўз билан айтганда, “Mahalla” раисларнинг ўнг қўлига айланади улгурган. Шу боис хар йили биринчилар қаторида нашрга обуна бўлам.

ЖАРАЁН

МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?



**ЎЗБЕКИСТОН U17 АЁЛЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИ Осиё кубоги саралаш босқичида Ҳиндистон ва Қирғиз Республикасига қарши баҳс юритади.**



**“ЁЗ – 2025” ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА ўтказилган 3 759 та спорт мусобақасида 192 минг нафар ўқувчининг иштироки таъминланди.**



**КУРАШ БЎЙИЧА катталар, ёшлар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган қўшма чемпионатида вакилларимиз 53 та медал билан 1-ўринни эгаллади.**

**БИЗ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРМИЗ!**



**БАДАНТАРБИЯ**

**ЯЛАНГОЁҚ ЮРГАН БОЛА**

**ИРОДАЛИ, КАТЪИЯТЛИ, ЗУВАЛАСИ ПИШИҚ БЎЛАДИ**

Ялангоёқ тупроқ кечиби, югуриб юрган болакайнинг юзидаги қувончни ҳеч қузатганмисиз? Ғудакнинг ҳаракатларига қараб, она табиатнинг меҳрини бутун вужуди билан ҳис қилаётганини яққол кўриш мумкин. Шу вазиятда у ҳеч қандай хавф-хатардан ҳайиқмайди. Ўзини борлиқнинг муҳим бир бўлаги сифатида эркин тутати.



**Шоира ИСОҚОВА, Оила ва болалар психологи.**

Ҳақиқатан, фарзанд тарбияси фақатгина уни одоб-ахлоққа ўргатиш ва таълим бериш билан чекланиб қолмайди. Аксинча, бу тушунча жуда кенг ва чегарасиз. Айтилик, биргина ялангоёқ юришнинг ўзи боланинг руҳий ва жисмоний жиҳатдан етук шахс бўлиб улғайишида катта аҳамият касб этади. Агар мавзуга чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, кўл қафтларимиз ва оёғимизнинг

остки қисмида тананинг барча аъзолари билан бевосита боғланган нерв нуқталари мавжуд. Шу боис ёзнинг иссиқ кунларида тупроқ, қум ва тош йўлақларда ялангоёқ юришнинг қатор ижобий таъсирлари бор. Хусусан, тиббиёт ходимларининг таъкидлашича, товонда ички аъзолар фаолиятига жавоб берувчи рефлекслар бўлиб, бу машғулот тўғрисида биринчи навбатда, мия фаолияти яхшиланади. Ялангоёқ юрганда тери ерда ҳосил бўлувчи манфий ионлар, деб аталувчи зарядланган зарралар билан алоқада бўлади. Улар эса танадаги

ижобий зарядланган эркин радикаллари мувозанатлашга ёрдам бериб, яллиғлиниш ва сурункали касалликлар ривожланиш хавфини камайтиради ҳамда тананинг умумий ҳолатига ижобий таъсир этади. Ушбу машғулот оёқлардаги кўплаб майда нервларнинг фаоллашишига олиб келади. Бу эса қон айланишини яхшилаб, имунитетни ошириш ва зўриқини камайтиришга ёрдам беради. Ялангоёқ юришнинг яна бир фойдаси шуки, у оёқ мушакларини кучайтириб, валгус деформацияси, ассиоёқлик каби кўпгина ортопедик касалликларнинг олдини олишда асқатади. Булар масаланинг айрим жиҳатлари ҳолос. Аслида, мазкур жисмоний фаоллик боланинг руҳий камолотида катта аҳамият касб этади. Аввало, мия фаолиятининг ривожланиши илм олиш иштиёқини сезиларли даражада оширади. Ақли салоҳияти янада фаоллашиб, ахборотларни қабул қилиш осонлашади. Куннинг биринчи ярмида ялангоёқ юриш жуда фойдали. Сабаби Д витаминига тўйинган кўёш нурулари тананинг шу модалга бўлган эҳтиёжини маълум маънода қондиради. Қолаверса, бу она ер билан энергия алмашинуви таъминлаб беради. Боладаги ортиқча зўриқишлар, магнит бурони таъсиридаги нурланишлар ялангоёқ юргани сабабли бартароф бўлади.



**Бугун тарбия усуллари ўзгарган. Ота-оналар янгича психологик ёндашувларини топиш учун ўз устида кўпроқ ишлаши керак. Бола билан мулоқотни тўғри ташкил этиб, уни тушуниб, телефонга қарамликдан олиб чиқиш зарур. Уларни табиат кўйидаги фаол ҳаётга жалб қилиши керак. Бугун тўрт девор ичида вояга етаётган ғудак эртага жамиятда ҳам ўз ўрнини тополмайди. Онгини дангасалик, мақсадсизлик ва умидсизлик каби турли муаммолар эгаллаб олади. Шундай экан, юрт ривожини кўриш учун ҳар жиҳатдан соғлом авлод вакилларини тарбия қилишимиз кераклигини унутмайлик!**

Ғудакнинг ўзига бўлган ишончи шакллана бошлайди. Унга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган хавф-хатарни олдиндан ҳис қилишни ўрганади. Тажрибамда қишлоқда, ялангоёқ, чанг кўчаларда югуриб катта бўлган болаларнинг иродали, қатъиятли, зуवालеси пишиқ эканини кўп кўрганман. Улар очиқ табиат кўйида сабрли ва ўзига ишончи балинд шахс сифатида шаклланади. Шу билан бирга, мунтазам равишда ҳаракатли ўйинлар билан машғул бўлиши ҳам уларнинг руҳий ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади. Бугун фарзанднинг қўлига телефон тутқазиб қўётган ота-оналар вақт ўтиши билан боласида диққатни жамлаш хусусияти бузилиши, гидрокида салбий ўзгаришлар руй бериши, тасаввур қилиш қобилияти торайиб бориши каби хавф-хатарларни кутаётганини билармикан?! Бола электрон қурилма ва гаджетларга муккасидан берилиб кетиш асосида вақтини тўғри тақсимлай олмайди. Қанча кўп телефонда ўтирсан, унга шунча қарам бўлиб қолаётганини ҳис қилмаяпти. Баъзиларнинг 30 секундгача бўлган лавҳаларни кўришга сабри етмайди. Бунинг натижасида миёда турли ўзгаришлар кузатиляпти. Яъни, диққатнинг тарқоқлиги, асабийлик, жиззакилик, уйқунинг бузилиши, фикрини эркин ифода эта олмаслик, хулқ-атвор ва рўзғаридаги ўзгаришларни кўриш мумкин.

**ҲИДОЯТ ЁҒДУСИ**

**Собир КАРИМОВ, Ангор тумани.**  
— Мен автомашиналарни ювиш хизматида ишлайман. Баъзан такси ҳайдовчиларнинг машиналарини ювганимизда, ичида мижозларнинг буюмлари ва пуллари тушиб қолган бўлади. Шу пуллارни ўзимизга олсак бўладими ёки такси ҳайдовчисига беришимиз керакми?

**МАШИНАДА ҚОЛГАН ПУЛНИ КИМГА БЕРМОҚ КЕРАК?**



**Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази:**

— Мазкур буюм ва пуллар сизнинг ҳам, таксичининг ҳам мулки эмас, балки ўз эгасининг мулкидир. Шу боис эгасига қайтариш лозим. Бунинг учун сиз топилмани таксичининг ўзига қайтариб берасиз ва у ҳаққий эгаларини топиш чорасини кўради. Эгасидан берухсат ишлатиб юбориш гуноҳ ҳисобланади. Зайд ибн Холид ал-Жуханий розияллоху анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Набий соллаллоху алайҳи васаллам: **“Ким йўқолган нарсани танитмай, ўзиники қилиб олса, залолатга кетувчидир”**, деганлар (Имом Муслим ва Имом Аҳмад ривоят қилган). Ҳозирги вақтда унутиб қолдирилган буюмларнинг эгасини топишнинг турли йўллари мавжуд. Унутиб қолдирилган буюмлар чириб, айниб қолмайдиган нарсалар бўлса, эгаси чиққунича ўзида сақлаб туради ва эгасини топишга жиддий киришади. Натижадан буткул умиди узилган вақтда ўзи муҳтож бўлса, садақа ўрнида ўзига ишлатиши, бой бўлса, фақирларга эгасининг номидан садақа қилиб юбориши лозим. Кейинчалик буюм соҳиби топилиб қолса, ҳолатни тушунтиради. Агар эгаси рози бўлса, садақанинг савоби унга бўлади. Рози бўлмай, нарсасини талаб қилса, қийматини тўлаб беради ва қилинган садақанинг савоби ана шу таксичининг ўзига бўлади.

**БИЛИБ ҚЎЙИНГ!**

**Болаларга бир ёшгача чой бериш мумкин эмас!**

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги “Боланинг соғлом овқатланиш ҳафталиги” доирасида бир ёшгача бўлган болаларнинг қўшимча овқатланиши бўйича тавсияларни ишлаб чиқди. Ундан ота-оналар учун бир қатор муҳим ва керакли маслаҳатлар ўрин олган.**

Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати.

Чоқалоқ олти ойга тўлгач, шифокор тавсияси асосида унга она сутидан ташқари бўтқа, шарбат ва пюре кўринишида қўшимча озуқалар бериш мумкин. Сабаби тез ривожланаётган мурғак организмнинг эҳтиёжлари она сuti билан тўла қопланмайди. Ғудакни қўшимча таом билан она сутидан олдин озиклантириш керак. Болага бундай егулик икки ҳафта давомида берилгач, учинчи ҳафтадан бир марталик кўкрак билан овқатлантириш ўрнига алмаштирилади. Улар таркиби сабзавот бўтқаларидан ташкил топган бўлиши лозим.

Даставвал, бўтқа оз-оздан (5-10 грамм) бериб борилади, кейинчалик керакли миқдорга аста-секин етказилади. Шунинг ёдда тутиш лозимки, бу ёшдаги ғудакка бир пайтнинг ўзида иккита қўшимча таом берилмайди. Бола биринчи қўшимча озуқага кўникач, иккинчисига ўтиш мумкин. Кичкинтой 7 ойлик бўлгач, унга иккинчи қўшимча таом – бўтқалар (маннали, гречкали) берилиб, 2 ҳафта ичида иккинчи галдаги она сuti у билан алмаштирилади. Ушбу даврда қайнатилган тухум сарғининг ярмини ҳафтасига икки марта, кейин кунора бериш мумкин.



Бола 8 ойга тўлганда таомномага учинчи қўшимча егулик сифатида қатиқ ва творог кирилади. Дастлаб, қатиқ оз-оздан (5-10 грамм) бериб борилади, кейинчалик эса керакли миқдорга аста-секин етказилади. ✓ 9-ойдан бошлаб нон (печеньелар), олмани бўлакча шаклида бериш мумкин. ✓ 10-ойликдан бошлаб гўшт қиймаси тавсия этилади. ✓ 12-ойликдан буёда пишган котлетлар берилади. Болага чой бериш мақсадга мувофиқ эмас. Унинг ўрнига мева шарбати, қайнатилган сув ичирилади.